

Қуръон тиловати савобини бағишлаш

08:15 / 08.06.2020 2444

Ассалому алайкум! 563-савол жавобда Қуръон ўқиб ўлганларга бағишлаш кейин чиққан, бизнинг юртимизга хос дейилган экан. Ҳадисларда келмаган бўлса бундай қилишимиз мумкинми?

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Ҳадисларда ҳаж, умра ва садақотлар қилиб савобини бағишлаш келган. Шунга қиёс қилиниб тиловат қилинишдан ҳосил бўлган савобни бағишлашни ҳам уламолар жоиз дейишган. Бу нарса “хойрул қуруун”дан бери барча уламолар томонидан инкорсиз қабул қилиниб келинаётган амалдир. Имом Шофеъий бундан мустасно. У кишининг мазҳабида бўлсангиз бошқа мазҳабдагиларни маломат қилманг. Валлоҳу аълам!